

Саломатлик бебаҳо бойлик

05:00 / 01.03.2017 3511

Саломатлик бебаҳо бойлик

Бир куни донишманднинг тоби қочиб, ётиб қолибди. Ҳолидан хабар олиш учун келган ҳаким ундан:

- Нима истайсан? – деб сўрабди.
- Соғлик, – деб жавоб қайтарибди бемор.
- Унинг шакли қандай эканини тушунтир, уни сенга топиб келтирай, – дебди ҳаким.
- Соғликнинг хусусияти, шаклу шамоили йўқ, – дебди донишманд.
- Сен донишманд бўлсанг, хусусиятсиз нарсани қандай талаб қиласан? Яхшиси менга соғликнинг қандай бўлишини тушунтир, – дебди ҳаким.
- Соғлик келиши билан қувватга кирман, рангим ҳам тиниқлашади, тетик бўлиб қоламан.
- Мен сенга соғликнинг ўзини таърифлаб бер деяпман, – деб унинг сўзини бўлибди ҳаким.
- Билмайман, – дебди донишманд.

Соғлик мана шундай кўз билан кўриб, қўл билан тутиб, сўз билан ифодалаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат. Ҳадиси шарифда ҳам бу ҳақда айтилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: “Икки неъмат бор, у ҳақда кишиларнинг кўпчилиги зиён топиб, бебаҳра қолишади. Улар сиҳат-саломатлик ва бўш вақтдир” (*Имом Бухорий ривояти*).

Соғликни қадрлаш, уни асраш учун саъй-ҳаракат лозим. Соғлигимиз учун зарарли нарсаларни истеъмол қилиш бу – неъматга ношукрлик билан баробар. Шу сабаб соғлик неъматни борлигида уни сақлаш ва ўз ўрнида ишлатиб, бандалик бурчларимизга Ҳақ таолонинг амрларига “лаббай” деб қулоқ тутишимиз лозим. Агар дардга чалинсақ, бу ҳолда ҳам қандай йўл тутиш кераклиги динимиз кўрсатмаларида баён қилинган. Киши

касаланган ҳолида ҳам Яратганга шукр қилиши лозим. Чунки бу унинг гуноҳларига каффорат бўлади. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Мусулмон кишига заҳмат, беморлик, ташвиш, хафалик, азият ва ғам-ғусса етса ҳам Аллоҳ унинг хатоларини ўша сабабли ўчиради” (*Муттафақун алайҳ*).

Демак, соғлик ҳам дард чекиш ҳам мўмин учун бир неъматдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам тўғри йўл тутиш билан киши савобга эришади.

Фотимат уз-Заҳро